



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «9» август

№ ПК-5215

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган
болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Миллий гвардиянинг “Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари, оиласиий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйларини (кейинги ўринларда – ўқув-тарбия муассасалари) Миллий гвардияга бириктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Миллий гвардия “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг болалар маҳаллалари билан ҳамкорлик ўрнатсин.

2. Миллий гвардияга қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шаклларини қўллаш чораларини кўриш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психолого-педагогик қўллаб-қувватлаш;

ўқув-тарбия муассасаларида сифатли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишига, уларнинг майший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдек, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етук ва дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш.

3. Миллий гвардия таркибида:

марказий девони тузилмасида ўқув-тарбия муассасаларида ёшларнинг таълим ва тарбия олиш жараёнларини ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишига масъул **Миллий гвардия қўмандонининг ўринбосари лавозими жорий этилсин;**

Жамоат хавфсизлиги университетида “Харбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси ташкил этилсин.

4. Белгилансинки:

оилавий болалар уйлари ва Болалар уйларига ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оиласа тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади;

бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан сұхбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва майший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шаклларини қўллаш чораларини кўриб боради.

5. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) икки ой муддатда:

а) Миллий гвардия (Р.Джураев), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) билан биргаликда:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тарбия бериш, уларни фан, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича **янги тизимни амалиётта татбиқ этсин;**

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида улар томонидан эришилган натижаларни баҳолаш орқали **ўқув-тарбия муассасаларининг рейтинг тизимини жорий қилсин;**

б) Миллий гвардия (Р.Джураев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) билан биргаликда ўқув-тарбия муассасаларининг Тошкент шаҳридаги Инха университети, Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, IT-парклар билан ўзаро алоқалар ўрнатишини таъминласин ҳамда улар томонидан ўқув курслари ташкил этилиши чораларини кўрсинг;

в) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, васийликка ва ҳомийликка олинган болалар ва оиласа тарбияга берилган (патронат) болалар бўйича яратилган ахборот тизимида маълумотларни тўлиқ шакллантирган ҳолда Миллий гвардия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу тизимдан фойдаланиш ҳуқуқини берсин;

г) Миллий гвардия (Р.Джураев), Туризм ва спорт вазирлиги (У. Азамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини ҳар йили камида икки маротаба ўқишидан бўш вақтларида **Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш дастурини тасдиқласин.** Бунда, саёҳат давомида ички ишлар органлари ҳамроҳлиги Ички ишлар вазирлиги маблағлари ҳисобидан ҳамда ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини саёҳатга олиб чиқиш (транспорт, яшаш ва овқатланиш) билан боғлиқ харажатлар ўқув-тарбия муассасаларига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади;

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун якка кураш, от спорти, футбол, сузиш, теннис, шахмат каби спорт турлари бўйича **спорт тўғаракларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.**

6. Миллий гвардия (Р.Джураев) Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Жамоат хавфсизлиги университетида ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйсин.

7. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов) Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) ва Миллий гвардия (Р. Джураев) билан биргаликда ҳар йили 1 сентябрга қадар янги ўқув йили учун олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларининг “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларининг тарбияланувчиларини ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ, табиий ва бошқа фанларга ўқитиш бўйича факультатив ва тўгарак машғулотларини, “давра сұхбатларини”, фан мусобақаларини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларини зарур спорт анжомлари (болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратган ҳолда), 20 тадан замонавий компютер тўплами (узлуксиз тезкор Интернет тармоғига улаган ҳолда), тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик ва бошқа соҳадаги тўгаракларни ташкил этишга ихтисослашган хоналарнинг зарур моддий-техник базаси ҳамда автобуслар ва микроавтобуслар билан таъминласин.

9. Олий Мажлис Сенатига (Т.Нарбаева) мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тавсия этилсин:

ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш бўйича “Меҳр дафтари” тизимини ҳаётга татбиқ этиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) оладиган оиласларда тарбиялашни рафбатлантириш амалиётини жорий этиш ҳисобига ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланувчиларни босқичма-босқич фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) оладиган оиласларда тарбиялашга ўтказиш чораларини кўриш;

болаларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг сабабларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш.

10. Белгилансинки:

2021 йил 1 ноябрдан бошлаб “Меҳр дафтари” тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари томонидан “Меҳр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилади;

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумидан ажратмалар миқдори беш фоиздан уч фоизга пасайтирилади;

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоиз миқдоридаги ажратмалар бюджетга тўланадиган солиқ ва йиғимларга тенглаштирилади, ушбу ажратмалар солиқ органлари томонидан үндирилади ва импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилмайди;

“Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳомийлик маблағлари, 2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи миқдоридаги ажратмалар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

11. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оиласа тарбияга олинган (патронат) қизларнинг таълим-тарбияси, уларни балоғатга, турмушга тайёрлаш ишларига масъул этиб белгилаш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан:

ҳар йили камида икки маротаба ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оиласа тарбияга олинган (патронат) қизларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб бориш;

ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оиласа тарбияга олинган (патронат) қизларни “Мехр дафтари”га киритиб, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал қилишга ҳамда ўқув-тарбия муассасаларидан кейинги ҳаётида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

б) Халқ таълим вазирлиги ва Миллий гвардия тавсиясига биноан ҳар йили 25 нафар ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларини Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи санаторийларда бепул даволаш.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларига мунтазам равишда “Меҳр дафтари”га киритилган болалар билан ишлашга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисоботларни эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

13. Бosh прокуратура (Н. Йўлдошев) ўқув-тарбия муассасаларида тарбиялананаётган вояга етмаган фарзанди учун ота-оналардан алиментларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминласин.

14. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардияга бириктирилган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасининг тарбияланувчилари билан ишлаш жараёнларига кўмаклашсин.

15. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг:

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 2-сон касб-ҳунар мактабини ушбу тумандаги 39-сон умумий ўрта таълим мактаби биносига;

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасини Чиноз туманидаги 2-сон касб-ҳунар мактабининг бўшайдиган биносига кўчириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Молия вазирлиги (Т. Ишметов);

бир ой муддатда “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларида харажатлар сметаси тузилиши ва ижро этилишини, иш ҳақининг ҳисобланиши ва тўланишини, товар, иш ва хизматларнинг харид қилинишини, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларига икки нафардан ҳудудий молия органларининг малакали ходимларини бириктирсин;

мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар учун маблағларни тегишли вазирлик ва идораларнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари асосида 2021 йилда Давлат бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига:

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка ва патронатга) олиш ҳамда оилавий болалар уйларини ташкил этиш тартибини, унинг ижтимоий аҳамиятини жамоатчиликка кенг ёритиш;

жамиятда айрим ота-оналар томонидан ўз фарзандларини меҳрибонлик ва болалар үйларига топширишлари сабабларини кенг таҳлил қилган ҳолда бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий роликларни намойиш этиш, давра сұхбатлари ва муҳокамалар ташкил этиш тавсия этилсин.

18. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансан.

19. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

20. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда ахборот бериб борилсан.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон қарорига
илова

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг
тубдан янгиланган тизимини жорий этиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1.	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек васийликка ва ҳомийликка олинган болалар ва оиласга тарбияга берилган (патронат) болалар бўйича яратилган ахборот тизимида маълумотларни тўлиқ шакллантирган ҳолда Миллий гвардия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу тизимдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов)
2.	“Меҳрибонлик” уйлари, Болалар шаҳарчалари, оиласвий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйларида (кейинги ўринларда – ўқув-тарбия мұассасалари) тарбияланувчи болаларга тарбия бериш, уларни фан, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва спорт билан шуғулланишларини ташкил этиш бўйича янги тизимни амалиётга татбиқ этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р.Джураев), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)

T/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
3.	Ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида улар томонидан эришилган натижаларни баҳолаган ҳолда, ўқув-тарбия муассасаларининг рейтинг тизимини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р.Джураев), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
4.	Жамоат хавфсизлиги университети томонидан ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёrlашни йўлга кўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 январь	Миллий гвардия (Р.Джураев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Жамоат хавфсизлиги университети (М. Рустамбаев)
5.	Ҳар йили камида икки маротаба ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини ўқишдан бўш вақтларида Ўзбекистон бўйлаб (Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қўйон, Тошкент, Термиз ва бошقا шаҳарларга) саёҳатга олиб чиқиш.	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р.Джураев), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун якка кураш, от спорти, футбол, сузиш, теннис, шахмат каби спорт турлари бўйича спорт тўгаракларини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режаси	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р.Джураев), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

T/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
				шаҳар ҳокимларни
7.	Ўқув-тарбия муассасаларининг Тошкент шаҳридаги Инха университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, IT-парклар билан ўзаро алоқалар ўрнатишни таъминлаш ҳамда улар томонидан ўқув курслари ташкил этилиши чораларини кўриш.	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р.Джураев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
8.	Олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларининг “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ, табиий ва бошқа фанларга ўқитиш бўйича факультатив ва тўғарак машғулотларини, “давра сұхбатларини”, фан мусобақаларини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар дастури	Ҳар йили 1 сентябрга қадар	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Миллий гвардия (Р. Джураев)
9.	Ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини ўқитиш билан шуғулланувчи етакчи профессор-ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил 1 октябрь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
10.	Ўқув-тарбия муассасаларини зарур спорт анжомлари (болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратган ҳолда), 20 тадан замонавий компьютер тўплами (узлуксиз тезкор Интернет тармоғига улаган ҳолда), тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик ва бошқа соҳадаги тўғаракларни ташкил этишга ихтисослашган хоналарнинг зарур моддий-техник базаси ҳамда автобуслар ва микроавтобуслар билан таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 10 ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
11.	Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар фаолиятини ва уларда тарбиялананаётган болаларнинг ҳолатини ўрганиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил 15 октябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Б.Мусаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
12.	Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил 15 октябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Б.Мусаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	“Raqamli Avlod” лойиҳаси билан “Меҳрибонлик” уйларини босқичма-босқич қамраб олиш. Бунда, “Меҳрибонлик” уйларида ахборот технологиялари (IT) бўйича замонавий касбларга йўналтирувчи “Raqamli Avlod” синф хоналарини ташкил этиш ва дастурлаш, 2D ва 3D дизайн, робототехника, рақамли медиа-маркетинг ва фрилансинг бўйича дарсларни йўлга қўйиш.	Чора-тадбирлар дастури	2021 йил 1 октябрь	Президент таълим муассасалари агентлиги (Х. Умарова), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р. Джураев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
14.	Ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг ушбу муассасалар жойлашган ҳудуддаги оиласидан тиббиёт поликлиникаларида алоҳида ҳисоби юритилишини, уларга тиббиёт бригадаси бириткирилишини ва ҳар йили икки маротаба тиббий кўриқдан ўтказилишини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 15 октябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р. Джураев)
15.	Ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини ҳар ойда камида икки маротаба театр, концерт ва музейларга ташриф буюришини ҳамда санъат усталарининг, таниқли ёзувчи ва адиларнинг “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларига келиб, маданий ва маърифий тадбирлар ўтказишини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ходжиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Сайдов), Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиков)

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
16.	Ҳар йили ўқув-тарбия муассасаларининг 25 нафар тарбиячиларини Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тизимидағи санаторийларда бепул даволаш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Касаба уюшмалари Федерацияси (К.Рафиков) Миллий гвардия (Р. Джураев)
17.	“Меҳр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил 10 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р. Джураев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
18.	“Меҳр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарори	2021 йил 1 ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
19.	Миллий гвардия талабномасига асосан “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчалари учун IP тармоқлараро видео қайд этиш жиҳозлари (VPN) ҳамда идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи тарифи бўйича L3-VPN алоқа каналларини ажратиш.	Амалий чора-тадбирлар	Талабномага биноан	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
20.	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда бир-бирини такрорловчи, ўз аҳамиятини йўқотган ва мазкур қарорга зид нормаларни бекор қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил 1 ноябрь	Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р. Джураев)
21.	2021 йилга қадар уй-жой ажратилган деб кўрсатилган 610 нафар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 1 ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги,

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	жойлари ҳолатини ўрганиб чиқсан ҳолда, улардан белгиланган санитария меъёрларига ва техник меъёрларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларга жавоб бермайдиган уй-жойларда яшаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни бошқа уй-жойларга ижара асосида кўчириш ва уларга уй-жой учун ижара тўловларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилиш чораларини кўриш.			Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов)
22.	“Мехрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчаларига икки нафардан ҳудудий молия органларининг малакали ходимларини биритириш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил 10 сентябрь	Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
23.	“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2021 йил 10 октябрь	Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
24.	Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш бўйича медиа-режа тасдиқлаш.	Медиа-режа	1 кун муддатда	Вазирлар Маҳкамаси (Б.Мусаев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Миллий гвардия (Р. Джураев)

